

Маккада тушган, 17 оятдан иборат

Сура номи унинг биринчи оятидаги «торик» сўзидан олинган, лугатда «тунги йўлчи, яъни юлдуз» маъносини билдиради. Бу сурада хар бир инсоннинг килган амаллари махсус фаришталар томонидан мунтазам ёзиб борилиши; киёмат кунида жамики халойик кайта тирилиши хак экани; Куръони Каримнинг хак билан ботилни ажратувчи Сўз экани ва Аллох таоло буюрган динга карши турли хийла-найранглар кўчасига кирган кимсалар бир оз мухлатдан сўнг ўз килмишларига яраша жазо олишлари мукаррарлиги хакидаги мавзулар атрофида сўз боради.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Бисмиллахир рохманир рохийм

Меҳрибон ва рахмли Аллох номи билан бошлайман.

1. Осмонга касам, «торик»ка касам.

Аллох таоло бандалар эътиборини каратиш, айтилаётган сўзнинг муҳимлигини таъкидлаш учун Ўзи яратган турли нарсалар номига касам, дейди. Ушбу сурада У: «Осмонга касам, «торик»ка касам», демокда. «Торик»ни муфассирлар турлича таржима килишган: айримлари «учар юлдуз», баъзилари «ёркин, порлок юлдуз», бошқалари «Зухал», яна бирлари «кечаси келувчи» деб ўгиришган. Баъзи тафсирларда «торик» Зухра (Венера) ёки Сурайё юлдузидир, дейилган. Парвардигор Ўзи яратган махлуқлари ва нарсаларининг хикматини, сифатини, мохиятини факат Ўзи билади. Шунинг учун хатто Ўзи танлаб олган, оламларга раҳмат ўларок юборган сўнгги Пайгамбари хам бунинг нималигини билмаслигини баён этяпти.

2. (Эй Мухаммад,) «торик»нинг нималигини каердан билардингиз?

Яъни, эй суюкли Пайгамбарим, Мен билдирмасам, торик нималигини хам, бошка яратган нарсаларимнинг нималигини хам каердан била олардингиз? Аллох таоло ушбу ояти оркали Ўз Пайгамбарини билмасликда айблаётгани йўк, балки бу оркали инсон тафаккури Парвардигорнинг буюк яратувчилик хикмати олдида ниҳоятда ожиз ва гариблигини, куфр эгалари хамиша ўз акллари, ўй-фикрларига суяниб, Аллох азза ва жалланинг кудрати ва хикматини англашдан ожиз қолишларини баён этмоқда. Куръони Карим огохлантиряптики, инсоннинг акли ва тафаккури шунчалик чекланган экан, у бемаъни хаёллар, кераксиз сафсаталарга ўралашмай, ўзининг ниҳоятда ожиз эканини хис этсин, буюк кудрат эгаси ва тенгсиз яратувчи Аллох таолонинг Ўзига кайтсин, нажотни факат Ундан кутсин.

3. Бу учар юлдуздир.

Ушбу оят Пайгамбаримизга амакилари Абу Толиб хакида нозил бўлган. У Расулуллоҳга (соллаллоху алайхи васаллам) нон ва сут келтирди. Улар ўтиришганида бирдан бир юлдуз пастга учди. Шунда ердаги нарсалар ёниб кетди. Абу Толиб кўркиб кетиб: «Бу кандай ходиса?» дея сўради. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Бу отилган юлдуздир, Аллох таолонинг мўъжизаларидан биридир», дедилар. Бундан Абу Толиб таажжубланди. Шунда Аллох таолонинг ушбу ояти нозил бўлди.

4. Хар бир жон тепасида химоячиси бордир.

Хар бир инсон ва жин устида уни турли бало-офатлардан ва ёмонликлардан кайтариб, химоя қилиб турувчи фаришталар (хафаза фаришталари) бор. Бу ҳақда Инфитор сурасининг 10-12- оятлари изоҳида батафсил сўз юритилган. Бу фаришталар инсоннинг хар бир харақати, яхши-ёмон амаллари, айтган сўзларигача қолдирмай ёзиб боришади. Банда охирада ана шу ёзувларга биноан ҳисоб-китоб қилинади. Яна бир нарсани яхши тушуниб олишимиз керак: аслида, барча махлуқотларнинг ягона асровчиси, химоя қилувчиси Аллох таолонинг Ўзидир. Фаришталарнинг муҳофаза қилиши хам Парвардигорнинг асрашидир. Чунки бу ишларнинг ҳаммаси Аллох азза ва жалланинг иродаси, амрига қўра бўлади. Абу Умомадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам): «Мўминга бир юз олтмиш фаришта муаккил

(вакил) килинган. Улар имконсиз нарсалардан уни химоя килиб туришади. Шундан етти фаришта идишдаги асални пашшадан химоя килгандек, унинг тилини асрашади. Агар банда кўз-очиб юмгунчалик вақтга ўз холига ташлаб қўйилса, уни шайтонлар васавасага солишади», деганлар».

5. Инсон нимадан яратилганига боксин:

Гурурга кетаётган, кибрга бораётган ва булар оркасидан Аллох таоло амр-фармонларини инкор этаётган инсон олдин ўзининг ким эканига, нимадан яралганига бир карасин, эътибор берсин, мулохаза юритиб кўрсин. Ана шунда хамма нарса ойдинлашади, у ўзининг асл Яратувчиси, Хожаси, Тарбиякунандаси ким эканини англаб етади.

6. отилиб чикувчи «сув»дан яралган;

Ана шу исёнкор инсон бор-йўги хатто ўзи хам жирканадиган бир томчи хакир сувдан яралган. Мутахассислар инсон жисмини ўрганиш жараёнида хомиланинг эркак орка гарданида пайдо бўлиб, умуртка оркали тухумдонига куйиладиган «сув»нинг аёлнинг икки кўкраги орасидан чиккан «сув» билан аралашувидан пайдо бўлишини аниклашган.

7. умуртка ва кўкрак орасидан чиккан.

Оятдаги «сулб» сўзи эркак манийи пайдо бўладиган жой, яъни орка мияни ва у юрадиган умуртка йўлини, «тароиб» эса аёл кўкрагининг кўтарилган жойи маъносини билдиради. Ана шу икки ердан чиккан «сувлар», яъни эркак ва аёл сувининг аралашувидан хомила юзага келади. Бу аралашма аёл бачадонида бир муддат тургач, Аллох таолонинг иродаси билан у аста-секин хомилага айланади. Маълум муддатдан кейин жонсиз хомилага Аллох таоло хузуридаги рухдан киритилиб, болага жон багишланади. Хомилашунос мутахассислар хомиланинг ривожланиш боскичларини тадқиқ килиб, хайратланарли далилларга дуч келишган. Она бачадонидаги жонсиз бир парча лахта кон Яратганнинг хикмати ва иродаси билан кун сайин инсон шаклини ола бошлайди. Секин-аста у гўштга айланади, суяклар ва тўкималар пайдо бўлади, кўл-оёқлар, бош ўз шаклини олади, каллада кўз, огиз, кулоқлар пайдо бўлади. Ота-она хам, бошқалар хам бу жараёнга мутлако аралашмайдиган, ўзгартириш кирита

олишмайди. Буларнинг хаммаси Буюк Холикимиз Аллох азза ва жалланинг яратиш хикматига боғлиқ. Икримадан (розиаллоху анху) ривоят килинган ҳадисда зикр этилишича, юкоридаги оятлар Абул Ашъад ибн Калада Жумахий исмли шахс хақида тушган. У ниҳоятда кучли бўлиб, хамиша кучи билан фахрланар, бу эса уни ҳақ йўлдан адаштирган эди. Бир куни у бир тепа устига чиқиб: «Эй Қурайш жамоаси, мени бу ердан қим тушира олади? Албатта, Мухаммад жаханнам кўрикчиларини ўн тўққизта деб ўйлапти, бир ўзим уларнинг ўнтасидан сизларни қутқараман, сизлар тўққизтасини даф қилинглар» (шунда уларни енгиб, дўзахдан қутуламиз ва жаннатга қирамиз), деб масҳара қила бошлади» (Ибн Абу Хотим ривояти).

8. Аллох, албатта, қайта тирилтиришга қодир;

Эрқакнинг бир жойидан, аёлнинг бошқа жойидан ҳеч қўзга кўринмай пайдо бўлган икки хил сув аралашмасидан ҳомилани яратган, унга жон ато этган, эсон-омон дунёга келтирган, қамолга етказган, унга ризқ берган ва бир куни ажали етгач яна ўлдирган Аллох таоло қиёматда уни қайтадан тирилтиришга қодир бўлмасмиди! Аллох, албатта, қайта тирилтиришга қодир. Фақат Аллохга ишонмайдиган, Унинг оят-далилларини, мўъжизаларини тан олмай ёлгонга чиқараётган, бу билан ўзини икки дунё саодатидан мосуво этаётган қимсаларгина бу буюқ ҳақиқатни тан олдилари қелмай юрибди. Бундан ҳам ортик гумроҳлик, қалтабинлик, жохиллик бўладими?!

9. сирлар қош бўладиган Қунда.

«Сирлар қош бўладиган қун» қиёматдир. Ҳақиқатан, инсон дунё ҳаётида жуда қўп сирларини, қилмишларини бошқа одамлардан яшира олади, баъзи сирлар умуман очилмай ҳам қолиб қетади. Аммо қиёмат куни қелганида ҳамма сирлар қош бўлади, бандаларнинг номаи аъмолларига фаришталар томонидан қолдирмай ёзиб қорилган барча амаллари бирма-бир тарозига тушади, бандана шунга қўра ҳисоб-қитоб қилинади. Дунёда бирор сирни ҳам, ҳатто миядан ўтган ўй-хаёлларни ҳам Аллохдан яшириб бўлмаганидек, охирада ҳам бирор сир-асрор Парвардигордан махфий қолмайди.

10. Ўшанда инсонда на қувват, на бир ёрдамчи бўлади.

Киёмат куни инсонлар ожиз, нотаваон холда ва кўркув-дахшат ичра Парвардигорларига рўпара бўлишади. Дунё хаётига килинган хар бир яхши ёки ёмон иш учун, хатто огиздан чиккан бир калима сўз учун хисоб-китоб килинадиган, энг пинхона сирлар очиладиган, ҳеч кимга заррача зулм килинмайдиган киёмат куни инсонни Аллох таолонинг азоб-жазосидан куткариб қоладиган на бирор куч-қувват, на бир ёрдамчи бўлади. Аллох таоло айтади: «У кунда дўст дўстга аскотмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди» (Духон, 41).

11. Ёмгирли осмонга касам;

Ушбу ояти каримадан бошлаб Аллох таоло ўта муҳим хабарга инсонлар диққат-эътиборини тортиш учун икки улуг нарсаларга касам, демоқда. Булардан бири ёмгирли осмонга касамдир. Оятдаги «затир-роҳъи» бирор нарсани асл жойига қайтариш маъносини билдиради. Бу ерда ирода килинган нарса ёмгир-ёгин бўлиб, у осмондан асл ёғар жойи Ерга қайтади. Муфассирлар бунда инсон вафот этганидан кейин яна асл жойига қайтишига ишора бор, дейишади.

12. ёрилувчи Ерга касам.

Яна Аллох азза ва жалла: «Ёрилувчи ерга касам», демоқда. Оятдаги «затис-соҳъи»дан (ёрилувчидан) мурод набототдир. Зеро, Аллох таоло Ўзи яратган Ерни ёриб, ундан турли экин-дарахтларни, ўсимликларни, чашма-булоқларни, турли бойлик-ҳазиналарни чиқаради. Бир куни келиб, бу ўсимлик-дарахтлар қурийдилар, ерга кўшилиб кетадилар, баҳор фасли келганида эса Парвардигор иродаси билан қайта жонланадилар, ўсиб чиқадилар. Бунда ўлгандан кейин қайта тирилишга ишора бор. Саҳих ҳадисда айтилишича, инсонлар киёмат куни «ажабуз-занаб», яъни умуртканинг энг охиридаги кичкинагина каттик бўлаги-уругдан қайта «униб» чиқишади, яъни тирилишади (Инсоннинг код – тилсими шу ерда бўлар экан).

13. Хакикатан, бу ажрим килувчи Сўздир;

Хакикатан, Аллох таоло Ўз Пайгамбари Мухаммад алайҳиссалом орқали нозил қилган Қуръони Карим Хак ва ботилни, ҳалол ва ҳаромни, яхши ва ёмонни ажратиб, ажрим қилиб берувчи илохий Сўздир, улуг Китобдир.

14. ва у хазил эмасдир.

Куръони Карим оятлари мушрик ва мунофик кимсалар даъво килаётганидай хазил-мазах ҳам эмас, сеҳргарнинг сўзлари ёки шоир назмлари ҳам эмас, балки у ўта жиддий, барча нарсалари мутлок хакикат бўлган илохий каломдир. Али ибн Абу Толибдан (каррамаллоху ваъжхаху) ривоят қилинади: «Расулulloхнинг (соллаллоху алайхи васаллам) бундай деганларини эшитганман: «Аллох таборака ва таолонинг Китоби (бирдан-бир) нажотдир. Унда сизлардан олдингилар ва кейингиларнинг хабарлари бордир. У ўртангизда хукм чиқаради. У (ҳақ ва ботил ўртасини) ажратувчидир, хазил эмасдир. Уни тарк этган Аллох халокатга учратган золимдир. Ундан бошқасини йўл қилиб олганни Аллох адаштиргандир. У Аллохнинг мустаҳкам арқонидир, очик-ойдин нуридир. У хикматга тўла Эслатмадир. У тўғри йўлдир. У туфайли нафслар (бошка нарсага) мойил бўлмайди. Тиллар у сабабли адашмайди. У билан фикрлар таркок бўлмайди. Унга уламолар тўйишмайди, такводорлар ундан малолланмайди. У вақт-замон туфайли эскирмайди, ажойиботлари асло тугамайди. Уни жинлар эшитишганида: «Албатта, бизлар ажойиб Куръонни эшитдик, у тўғри йўлга чорлайди», дейишдан тўхташмади. Унинг илмини билган ҳаммадан пешқадам бўлибди. У билан гапирган тўғри сўзлабди. У билан хукм чиқарган адолат қилибди. Унга амал қилган мукофотланибди. Унга даъват қилган тўғри йўлга чорлабди» (Имом Термизий, Доримий ривояти).

15. Улар макр-хийла қилишади.

Аллох таолонинг каломини инкор этиб, ёлгонга чиқарувчилар канчалик хийла қилишмасин, макр-фитналар ўйлаб топишмасин, барибир, ҳеч нарсага эриша олмайдилар, чунки қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Халигача Ер юзида ҳам, осмонларда ҳам Аллох таолонинг хакикат нуруни тўса оладиган ёки ўчиришга кодир бирор куч-қувват, ҳеч бир зот бўлмаган, бўлмайди ҳам.

16. Ва Мен ҳам бунинг тадбирини кўраман.

Аллох таолонинг Ўзи ҳақ Китоби Куръони Каримни киёматгача инсонларга ва жинларга илохий дастур, йўлбошчи ўларок туширган экан, уни киёматгача турли макр-хийлалардан, бузиш ва ўзгартиришлардан асраш ваъдасини ҳам берган. Бу оятдан

максад Аллох таолонинг макр килиши эмас, чунки Аллох таолонинг макр килишга эхтиёжи йўк. Бу оркали Аллох таоло макру хийла килаётган куфр эгаларини тез кунда жазолаши хакида суюмли Пайгамбарини вокиф килиб, у Зотга таскин-тасалли бераётир.

17. (Эй Мухаммад,) уларга мухлат беринг, бир оз мухлат беринг.

Ушбу ояти карима билан Аллох азза ва жалла Ўз элчиси ва оламлар Сарварига (соллаллоху алайхи васаллам) тез орада Ўзи тарафидан катта нусрат-зафар юбориши ваъдасини беряпти. Эй Пайгамбарим, улар етказаётган азоб-тахкирларга бир оз сабр килинг, уларга озгина мухлат беринг. Майли, улар сиз етказаётган оятларимизни инкор этишсин, ёлгонга чикаришсин, сизни турли тухматлар билан айблашсин. Буларнинг хаммаси вақтинчалик ишлар. Куфри ва зулми билан ўзини халокатга тайёрлаётган бу бахтсиз ва золим кимсаларни охиратда дахшатли кийнок-азобларимиз, дўзахда мангу ёниш кулфати, хатто тасаввур килиб бўлмайдиган хўрлик-жазолар кутиб турибди. Ислон динини масхара килаётганлар, мусулмонларни хўрлаётганлар кўзларини каттарок очишсин, инсоният тарихини ибрат назари билан ўкишсин. Барча замон ва маконларда бўлгани каби Макка мушриклари бошига ҳам Аллох таолонинг газаби ва азоби келиши аниқ! Золим ва жохил кимсалар бир оз берилган мухлатга алданишмасин, кўлларидаги бойлик ёки амал-мансабга кувонишмасин, куч-кудратларига махлиё бўлишмасин. Чунки булар жуда оз муддатга берилган ўткинчи нарсалардир. Олдинда уларни каттик хисоб-китоб, аламли жазо, инсон боласи кўрмаган буюк азоблар кутиб турибди. чунки Аллох таолонинг мана бундай ваъдаси бор: *«Биз уларни (бу дунёда) озгина фойдалантириб, сўнгра каттик азобга гирифтор киламиз»* (Лукмон, 24).